

ЖЎРА ҚОДИРОВ

# КЎЗЛАРДА ПОРЛАГАН МЕҲР

Хужжатли бадиий қисса



**ЯНГИ АСР АВЛОДИ**

Тошкент

2013

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Қ-53**

**Қодиров, Жўра**

Кўзларда порлаган меҳр: ҳужжатли бадий қисса /  
Ж.Қодиров. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013, - 120 б.

ISBN 978-9943-27-068-8

Ушбу китоб сурхондарёлик машҳур кўз доктори, умри давомида минглаб кишиларнинг кўзига нур бағишлаган олижаноб инсон Тошпўлат Валиевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида.

Китобни ўқигач, ҳозирги кунда фарзандлар, дўсту ёронлар даврасида умргузаронлик қилаётган бу инсоннинг эришган ютуқлари фақат меҳнат, интилиш эвазига эканига амин бўласиз ва бу инсонга беихтиёр ҳавас қиласиз.

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-068-8

© Ж.Қодиров. «Кўзларда порлаган меҳр», «Янги аср авлоди».  
2013 йил.

**ЎҚИЙДИГАН КИТОБ БЎЛИБДИ**  
**ёхуд муаллифга мухтасаргина дилсўз**

*Ҳаёт – рубоб, ҳамма – чолгучи,  
Ҳар ким ўз куйини чалади.  
Кимнинг куйи бир лаҳзаликдир,  
Кимнинг куйи мангу қолади.*

Қимматли укам Жўражон!

«Вақтингиз бўлганда бир қараб берарсиз», дея ташлаб кетган «Кўзларда порлаган меҳр» китобингизнинг компьютер нусхасини шу куниёқ ўқиб чиқдим. Ва «укам яна бир ўқимишли китоб ёзибди, муборак бўлсин», дея роса тўлқинландим. Ҳамиша чин гап яхши, ҳалол гап яхши. Бундай гаплар буюк Тоғай Мурод айтганидек, фақат юракда бўлади. Мен ҳам юракдан айтадиган бўлсам «Кўзларда порлаган меҳр»ни шу куниёқ ўқиб чиқишимга Сизнинг 2007 йили Тошкентдаги Фафур Фулом номли нашриёт-матбаа ижод уйида нашр этилган «Умр тўфонлари» китобингиз сабаб бўлди, туртки бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим чиройли сўз боши ёзган бу китобни ўқиб, ҳузур қилгандим. «Шундай ҳужжатли бадий қиссалар ҳам ёзса бўларкан», дея роса суюнгандим. Ҳар қандай китобга ҳам сўз боши ёзмайдиган атоқли шоирнинг ўзига хос нозик ва қайсар феълига китоб жуда-жуда ёққанидан қувонгандим.

Биласизми, огажон, шунда бир мен эмас, қўплар қувонган эди. Эсласангиз, шунда сахий бир феълингиз тутиб, «Умр тўфонлари»га китоб тўйи қилувдингиз. Эшитганлар ҳайрондан ҳайрон қолувди. Чин-да, ўғил тўй, мучал тўй деганлари бор гап. Аммо китоб тўйи деган гап эса... Бу ибора қулоққа биринчи марта ёқимли эшитилаётганди. Шу боис бўлса керак, Термиз-

даги қаламкашлар 150 чақирим узоқдаги Олтинсойнинг Мўминқул қишлоғига машина-машина бўлиб боришган эди. Шунда мен ҳаммадан кўра маза қилганман. Шеърлар айтиб, дostonлардан парчалар ўқиб, даврани бошқаргандим. Ўқувчилардан тортиб, фермерларгача адабиётни яхши кўриши, уларнинг мазмундор-мазмундор гаплари-ю шеър айтишлари кўнглимни чоғ қилиб юборганди.

Китоб тўйи катта тўй бўлиб кетганди. Шеърият тўйи, адабиёт тўйига айланиб кетган эди. Бу ҳақда ўша пайтдаги журналистлар уюшмаси вилоят бўлимнинг бошлиғи Даврон Ғулом матбуот саҳифаларида чиройли-чиройли мақолалар берганди.

Шундан сўнг Сизнинг ижодингизни мунтазам кузатадиган бўлиб қолдим. Нарсаларингизни қидириб -топиб ўқийдиган бўлдим. Айниқса, вилоят нашри – «Термиз оқшоми» газетасидаги очеркларингиз, эсселарингизни битта қолдирмай ўқиб бораман. Буларни жамласа, яхши бир китоб бўлади. Бугун эса ҳали айтганимдай кўлимда «Кўзларда порлаган меҳр» китобингиз... У вилоятимиздаги ажойиб инсон, моҳир кўз дўхтири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Тошпўлат Валиев ҳақида. Шу ерда бир гапни алоҳида таъкидлай: Сиз китобга жуда-жуда арзирли қаҳрамон топгансиз. У одам ҳақида кўп китоблар ёзса бўлади.

Китобни ўқиб шунга амин бўлдимки, Сиз қаҳрамон ҳаётини пухта, изчил ўргангансиз. Керакли, ибратли воқеаларни териб-териб олгансиз. Бу воқеаларнинг ҳар бирини ширали, жозибали бир тилда тасвирлайсиз. Ажойиб тасвирий воситалар, топилма ва бадий ўхшатишлар китобнинг ҳуснини оширган. Унга зеб, чирой бўлган.

Қисқаси, ука, «Кўзларда порлаган меҳр» – ўқийдиган китоб бўлибди. Ўйлайманки, бошқа ўқиганлар ҳам шундай хулосага келади. Омон бўлинг, кексаликка бўй берманг, деб шоир акангиз

*Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ.*

## КЎЗЛАРДА ПОРЛАГАН МЕХҲ

*Ҳужжатли бадиий қисса*

---

### Муқаддима

2011 йилнинг май ойи ўрталари эди. Қишлоғимиздаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном Ортиқ бобо Дониёров саксон икки ёшида ҳаёт билан видолашди. Яхши одамнинг бу ёруғ дунёдан фотиҳа олуви ҳам осон бўларкан. Фарзандларининг айтишича, у киши чой ича-ича... Оллоҳ таоло осонгинаси билан сийлаган.

Биз шу муҳтарам мўйсафиднинг маъракасида эдик. Одам кўп – ичкаридан тортиб то ҳовлидаги хурмозорлар ости ҳам кўнгил сўровчилар билан лиқ тўла. Бир маҳал биз ўтирган кенг ва ёруғ хонага узун бўйли, қорачадан келган 64-65 ёшлардаги Худойназар Алимардонов деган марҳумнинг ҳамсояси кирди. Ўтирганлар худди ўлган одам тирилиб келгандай унга эътибор билан қарашди. Ҳатто қишлоқнинг гапга чечан кайвони одамларидан бири бўлган Маҳмуд Ғаффоров икки-уч ёшлар кичик Худойназарбойни ўзидан юқорига таклиф этди. У ўтириб - жойлашиб олгач, таъзиядор жой бўлгани боис, одамлар босиқ, одоб билан ҳол сўрай бошлашди.

– Сизни Термизда деб эшитувдик, – гап бошлади тенгдоши Тоштемир Ҳасанов. – Эргани шу ёққа режалаштириб турувдик. Ташвишдан қутқаздингиз.

– Бир кечада шундай бўб қолдим, тавба, – дея кўнгил сўради Маматқул ака. – Худонинг ишларида.

Худойназарбой одамларнинг таъзиядай жойда ҳолаҳвол, кўнгил сўраётганидан ўзини ноқулай сезса-да, қурдаги одобни сақлаган кўйи гапга тушди.

– Ҳаммаси тўғри. Кеча келдим. Бекорга гап чиқмайди. Биласизлар, аввал ўнг кўзим бутунлай кўрмасди,

сўнг эса бир кечада... Бунга кўп бўлгани йўқ, раҳматли мана шу Ортиқ ака «Дард ўнг кўздан чап кўзга ўтиши мумкин. Шунинг учун олдини олинг. Тагин менинг гапимни ёмон олманг», деб бир-икки марта айтувдилар. Мен бўлса «Энди куч-қувватни чап кўзга берсин» деб... Бир кечада чап кўзим қаттиқ оғриб, бирданига кўрмай қолса бўладими? Уйда икки кун йиғлаб, бақриб ётдим. Бир умрга эмас, бир пасгина кўзингизни юмиб турунг қани, чидай оласизми? Йиғламай, бақирмай бўладими? Охири болалар Термизга машина буюртма қилишди. Тўппа-тўғри Валиев деганини олдига олиб боришди. Мен бу одам ҳақида кўп эшитгандиму, аммо кўрмагандим. Буни қарангки, яна уни кўрмасдим, аммо у кишининг Теша Мўминовдай артистнинг овозига ўхшаш мардона, ёқимли овозини эшитардим. Тавба, одамларнинг мақтаганича бор экан, улар ҳам бир нарсани билиб, кўриб мақтар экан. Текшириб кўрди-ю, дарров операцияга олди. Учинчи кун деганда кўзим бирданига чарақлаб очилиб кетса бўладими? Тепамда узун бўйли, келишган, чиройли чеҳрали бир одам кулимсираб турарди. Ўзимни босолмадим. Ётган жойимдан отилиб турдим-да, рўпарамдаги одамнинг бетларидан ўпа кетдим. У киши ҳам мени тушунгани учун юпатарди:

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Ҳаммаси яхши бўлади.

Мен ҳамон уни алқардим, аммо дунёда чиройли, шоирларникидай сўз тополмай қийналардим. Фақат «Борингизга шукур, борингизга шукур», – дердим.

Худойназарбой серҳаяжон гапини тугатгач, тўрда салобат билан ўтирган Хуррамхон эшон бобо менга қараб шундай деди:

– Жўра ака, шундай одамларни ёзиш керак. Иложи бўлса, чиройли китоб қилиш керак. Элнинг раҳматини оласиз. Одамга бу ёруғ оламини қайта кўрсатиш... Чинданам Оллоҳ меҳрлаган, саховатини аямаган одам экан.

Бу гаплар юрагимга чўғ ташлади. Шу чўғ қизигида, ҳаяжонида эртасига Термизга жўнаб кетдим.

### **Танишув**

Хуррамхон эшон бобо «Ана шундай одамларни ёзиш керак, иложи бўлса чиройли китоб қилиш керак» деганлари билан... У киши бу йўлдаги машаққатли меҳнату муаммоларнинг кўпларини билмайдилар-да. Муҳташам замонавий иморатнинг иккинчи қаватидаги пешонасига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» деб ёзилган қабулхонада дардмандлар – кутувчилар кўп эди. Уларнинг ёши меникидан улурроқ эркак-аёллар эди. Шундай одамларни писанд этмай, қўлимдаги кафтдеккина икки энлик хизмат гувоҳномамни пеш қилиб ичкарига интилишга ўзимда журъат тополмадим, бетим чидамади. Фақат кутиш керак. Кутган одамга эса вақтнинг ўтиши қийин бўлади. Дам-бадам девордаги соатга ва одамларнинг оза-йишига қарайман.

Буёғи соат ўн иккига яқинлашиб, тушликка оз қолаётир. Соат ўн иккига роппа-роса беш дақиқа қолганда қора дермантин эшик очилиб, узун бўйли, оқсарғишдан келган, сочларининг оқи ҳали унча қуюқлашмаган бир одам ташқарига чиқди. Бу киши – Худойназарбой таъриф тавсифлаган Тошпўлат Валиев эди.

– Бир сиз қолдингизми? Марҳамат. Анча кутган кўринасиз.

Врач шундай дея эшикка қўл узатди.

Журналист эканимни эшитгач, унинг юз қиёфасидан қизиқишдан ҳолироқ, эътиборсизликка мойил ифодани илғаб олгандай бўлдим. Кўнглим алдамаганди. Кўп ўтмай шундай деди:

– Агар малол келмаса, бошқа пайт бир айланиб келсангиз. Кўраяпсиз, бугун ўзи... Ўзи-ку ҳар кун шундай.

Эскилар зорим бор-у зўрим йўқ дейишади. Рости, малолланган кайфиятда ўрнимдан туришга чоғландим. Малолланмай бўладими, қабулхонада роппа-роса икки соатдан мўлроқ эшикка тикилганим қаёққа кетди. Бунинг устига салкам 140 чақирим йўл босиб келганим-чи?

Йўқ, шу ерда врач қандай ўй-у хаёлларга борди – бу менга қоронғу, аммо унинг елкасига «инсоф қуши» қўнгани рост эди.

– Шошманг... Ўзи мен тенги одамга ўхшайсиз.

– Йўқ, сиз анча ёш кўринасиз, – кўнги кенглик қилмоқчи бўлдим. – Ўтган асрдан элик икки ёш олганман.

– Буни қаранг, мен ҳам... Келинг, яхшиси тушликни бирга қилайлик. Ўртадаги озгина совуқликни... Йўқ, йўқ, ҳали ҳаммасини айтаман... Кейин тушунасиз, мени.

Шаҳар марказидаги «Фарҳод» ресторанининг икки кишилик шинамгина хонасида ўтирибмиз. Врач ҳуққабарор, тўғриси, кўнгли очик, дилкаш инсон экан. Бир соатга чўзилган чой устида мен шундай хулосага келдим. У кишининг гурунғбозлиги, гапга чечанлигини яхшигина бир қаламкашга ўхшатардим.

– Отам раҳматлининг бир қайровли гапини тез-тез эслайман. У киши «Ишингни элинг билсин, юртинг билсин. Ишда сиринг бўлмасин» дерди. Мен ҳам журналистларни ҳурмат қиламан. Матбуотни билмайдиган, уни ҳурмат қилмайдиган одам одамми? Бизнинг ишимизни элга, юртга билдирадиган касб эгалари сизларсиз. Аммо нима десам экан? Кейинги пайтларда тагин сиз хафа бўлманг-у баъзиларидан кўнглим са-ал... Йўқ, са-ал эмас, анча-мунча кўнглим чўкаётир. Касалхонамизга сизга ўхшаб кўплар келишади. Уларнинг аксарияти ёшлар. Телевидениедан дейди, радиодан дейишади. Газета-журналлардан дейишади. Шундай пайт яшириб нима қиламан, ҳатто беморлардан вақт орттириб, улар билан суҳбатлашаман, интервью бераман. Баъзилари-



га бир соатлаб вақтим кетади. Ишқилиб ҳурматини жойига қўйиб қузатаман. Аммо кейин эса... Ёзувчи Саид Аҳмад айтганидек, жимжитлик... Янги келган газета-ларга қарайвераман-қарайвераман...

Адашмасам манави воқеа ўтган йилнинг май ойларида бўлган эди. Вақт чошгоҳлар бўлиб, иккинчи қаватдаги беморларни кўздан кечираётгандим. Ҳамшира қизлардан бири:

– Доктор, сизни қабулхонангизда телевидениедан келган бир-иккита журналистлар кутишяпти, – деди.

Ишимни чала қолдиришга мажбур бўлдим-да, патга – қабулхонага шошдим. У ерда мени иккита йигит кутишарди. Бири узун бўйли, қотмадан келган, сепкил юзли, иккинчиси эса тўлароқдан келган, қизғиш юзли, ёши 25-30 ёшлардаги йигит эди. Уларни хонамга бошладим.

– Шифохоналарингизни телевизорда бир мақтамоқчи эдик, – деди узун бўйлиси. – Одамлар яхши шифохона дейишади. Агар рози бўлсангиз...

– Сизлар қаердансизлар ўзи? Қайси телевидениедан?

Бу сўровимга жавоб ўрнига ҳалиги узун бўйли журналист ён чўнтагидан қип-қизил жилдли гувоҳномани стол устига чиқариб қўйди. Аммо негадир гувоҳнома ни олиб кўздан кечириш учун истиҳолога бордим.

– Қаердан бўлардик, вилоятдан-да, – деди иккинчи журналист.

Ҳуллас, иш бошланиб кетди. Роппа-роса икки соатларча вақтим уларга кетди. Улар аввал мени ишхонада суратга олди. Ҳар хил кўринишларга солиб туширди. Сўнг хонага шифокорлардан ўнтакасини чақириб суратга олди. Сўнг ҳамшира қизларни чиройли йўлакларда кулдириб, бир-бирларига нималарнидир гапирётгандай қилиб тасвирга туширди. Палаталарга кириб, беморлар билан суҳбатлашишни ҳам эсдан чиқаришмади.

Кейин эса ҳали айтганимдек, яна жимжитлик. Ҳар оқшом телевизорга тикиламиз. Қизлар бўлса «Дўхтир, нега улар жимиб кетишди?» дея мендан сўрашади. Мен ҳам ҳайрон, ҳам хижолат бўламан. Бунга сиз нима дейсиз? Тўғриси, юрак олдириб қўйганман.

Энди ўзингиз ўйланг... Нега шундай? Тўғри, уларнинг ҳаммасини ҳам бир гавронга солиб бўлмайди. Инсофли, виждонлилари ҳам кўп. Танисангиз керак, яқинда кекса журналист Ботир ака Менглиқулов келди. Ҳозир «Халқ йўли» вилоят газетасида ишлар экан. Айтганларимни ёзиб-ёзиб олди. Ҳафта ўтмай, газетада шифохонамиз ҳақида яхшигина мақола босилди. Жамоамиз анча хурсанд бўлди. Бошқа тузукроқ материални билмайман. Ўқимадим.

Рўй-рост айтиш керак, шифокорнинг гапларида анча-мунча жон бор эди. Шунинг учун бу «жон бор» муаммони кекса қалбим оғриниброқ тинглади. Шундай машҳур, дардмандлар минг умид билан оғзига термулган фидойи инсон қатор очерклар, эсселарга туркум-туркум материаллар бера оларди. Собиқ иттифоқ даврида Москвада соғлиқни сақлаш нишонини олган, 1997 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими унвони билан тақдирланган, 1998 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси тиббиётини ислоҳ қилиш Давлат комиссияси аъзоси ҳақида қаламкашлар мароқ билан қалам тебратса арзийди.

### **«Ёзишни отамдан бошласангиз...»**

***Юракда дардим бор бўйим баробар.***

*Исроил Шомиров*

Ўша суҳбатдан сўнг Тошпўлат Валиев билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Кўнглимиз кўнглимизга, феълимиз феълимизга мос келди. Айниқса, унинг бир гапи мени дадиллантириб, кўнглимга катта куч-қувват бахш этди. Кунларнинг бирида у киши яхши бир таклиф билдирди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/2234> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2234> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2234>